

**«KORIFEY-AUDIT»**

O'zbekiston Respublikasi, 100135, Toshkent sh., Bunyodkor ko'ch., 52a uy, tel.:71 276 75 57, faks:71 276 97 76, e-mail: korifey\_afi@mail.ru

**МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**«Хонқа дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти раҳбарияти,  
акциядорлари ва ташқи фойдаланувчиларга.**

**Фикр**

Биз «Хонқа дон маҳсулотлари» АЖ нинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «Хонқа дон маҳсулотлари» АЖ нинг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) га мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

**Фикр билдириш учун асослар**

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувоқиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қарорларга, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисобот аудити учун қўлланиладиган ахлоқий талабларга мувофиқ «Хонқа дон маҳсулотлари» АЖ га нисбатан мустақилмиз ва биз ушбу талабларга мувофиқ бошқа ахлоқий мажбуриятларни бажардик.

**Аудитнинг муҳим масалалари**

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамаздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

**Тушумни тан олиш.** Биз тушумга алоҳида эътибор берамиз, чунки тушум молиявий ҳисоботнинг энг муҳим қисмидир. Катта микдордаги транзакциялар қасдан манипуляция ва хатолар учун имконият яратади.

Аудитнинг халқаро стандартлари тушумларни тан олиш соҳасида ноинсоф ҳаракатлар хавфи мавжудлиги ҳақидаги тахминларни ўз ичига олади. Биз тушумни тан олиш усуллари синчковлик билан ўрганиб чиқдик ва тушумни тан олиш соҳасидаги ноинсоф хатти-ҳаракатлар хавфини баҳоладик.

- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларбилан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган ҳулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

**МЧЖ «KORIFEY-AUDIT»**

**auditorlik tashkiloti Директори:-**

(Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан  
2010 йил 18- декабрда берилган 04899-сонли сертификати)



**Тверянкин В.Б.**

**МЧЖ «KORIFEY-AUDIT»**

**auditorlik tashkiloti Аудитори:-**

(Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан  
2013 йил 19- февралда берилган 04514-сонли сертификати)

**Юсупов М.М.**

**2022 йил 28 феврал**

**Рег.№02**

**Аудит ўтказилаётган ташкилот ҳақида маълумот:**

Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Хонқа тумани Мулла-ёп кўчаси 64- уй, индекс 220800 Телефон: (62) 39-91-136, Ҳисоб рақами: 20208000200232736001 АТБ Агробанк Хонқа филиали МФО 00560, СТИР 200429242, ИФУТ 10.61.0.

**Аудиторлик ташкилот ҳақида маълумот:**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси 52А уй, телефон: (71) 276-75-57, факс: (71) 276-97-76  
Ҳисоб рақами: 20208000604131303001, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси қошидаги Амалиёт бошқармаси, МФО 00451, СТИР 203667490, ИФУТ 69.20.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2001 йил 07 августда № 669 сон билан рўйхатга олинган Гувохнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 1 апрелда берилган Серия АФ № 00744-сонли лицензияси. МЧЖ «XALQ SUG'URTA» суғурта компанияси томонидан 25-май 2021 йилда берилган № 0323864 - сонли суғурта полиси.